

ТАЪЗИЯ



19:28 / 10.08.2021 1942

«Hilol-nashr» матбаа-нашриёти ҳамда Islom.uz портали ижодий гуруҳи устоз мулла Аҳмаджон қорининг дорулбақога рихлат қилганларини чуқур қайғу билан маълум қилади.

Устоз мулла Аҳмаджон қори Андижон вилояти Марҳамат туманида таваллуд топган. Ушбу туманда Ҳасанжон домла ва Андижонда Қосим эшон маҳдумда илм таҳсил қилган. Мубин қори дадада Қуръондан таълим олган. Андижон шаҳрида «Бобо Таваккул» жоме масжидида бир неча йил имом-хатиб вазифасида хизмат қилган. Ўнлаб қори ва муллаларни тарбия қилган улуғ устоз.

Ушбу оғир жудолик муносабати ила устознинг барча оила аъзоларига, сафдошлари ва шогирдларига самимий таъзия изҳор этамиз.

Аллоҳ таоло марҳум устознинг барча солиҳ амалларини, динимизга қилган хизматларини ҳусни қабул айлаб, Ўз мағфиратига олсин, барча саҳву хатоларини кечирсин, раҳматига чулғасин, қабрларини жаннат боғчаларидан қилиб, охиратларини обод айласин!

*«Сабрлиларга хушхабар берингки, улар ўзларига мусибат етганда
«Албатта, биз Аллоҳникимиз ва албатта, биз Унга қайтувчимиз»,
деганлардир».*

Иннаа лиллааҳи ва иннаа илайҳи рожиъуун!